

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"Andijonyog'moy" AJ

Объявление

"ANDIJONYOG'MOY" AKSIYADORLIK JAMIYATI

“АНДИЖОНЁҒМОЙ” АЖ

"АНДИЖОН ЁҒ МОЙ" АЖ

акциядорлик жамиятининг бошқарув раиси лавозимига

танлов ўтказилиши бўйича

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014-йил 24-апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4720-сонли Фармони, Корпоратив бошқарув Кодекси, жамият Устави ва жамият кузатув кенгашининг 2019-йил 29-июнида тасдиқланган “АНДИЖОН ЁҒ МОЙ” АЖ ижроия органи раҳбар ва раҳбар ўринбосари лавозимига номзодлар танловини ташкиллаштириш ва ўтказиш регламенти”га асосан **жамият ижроия органи раҳбари лавозимига номзодларни саралаш бўйича танлов эълон қилади.**

Танловда иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқоролари ҳамда чет эл давлатлари фуқоролари таклиф қилинади.

Малака талаблари:

- -тегишли мутахассислик бўйича олий маълумотга эга бўлиш;
- -ишлаб чиқариш корхоналаридаги бошқарув лавозимларида мутахассислик бўйича 3 (уч) йилдан кам бўлмаган иш тажрибаси;
- -қонунчилик, ишлаб чиқариш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳалқаро талабларнинг билиш;
- -корпоратив бошқарув тамойилларини билиш;
- -давлат ва рус тилларини мукамал билиш, инглиз ва бошқа чет тилларини билиш маъқулланади;
- -компьютер технологияларидан оқилона фойдаланиш қобилияти, янги турдаги ИТ хизматлари ва воситаларини тушуниш ва улардан фойдаланиш;

Қуйидаги шахслар номзод бўла олмайди:

- -олий маълумот йўқ;
- -муқаддам судланган;
- -раҳбарлик лавозимида камида 3 (уч) йил иш тажрибасига эга бўлмаган;
- -жамият акциядори бўлган даврда унинг айби билан жамиятнинг фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензия бўйича қонун талаблари бузилиши оқибатида жамиятга

берилган лицензия бекор қилинган бўлса, агарда бундай бекор қилишлар бўйича 3 йилдан кам муддат ўтган бўлса.

• **Танловда қатнашиш учун қуйидаги хужжатларни тақдим қилиш зарур:**

- -ўз номидан ёзилган ариза;
- -резюме (батафсил маълумот);
- -касбий маълумотни, иш стажи ва малакасини тасдиқловчи хужжатлар, сертификатлар;
- -меҳнат дафтарчаси нусхаси;
- -алока учун маълумотлар;
- Танлов хужжатларини топширишнинг охириги муддати - эълон берилган санадан бошлаб,

15 (ўн беш) кун, яъни 2021 йил 22 январ соат 16-00 га қадар

• Танлов ўтказиш муддати - танлов таклифлари ва хужжатлари олингандан сўнг 5 (беш) иш куни давомида ўтказилади.

Танлов таклифлари ва хужжатлар муҳрланган конвертларда тақдим қилинади.

Хужжатлар қуйидаги манзилда қабул қилинади: 170100, Андижон шаҳри, А.Фитрат кўчаси, 14-уй. Маълумотлар учун тел.: (74) 223-11-63, 93, 410-53-56.

“АНДИЖОН ЁҒ МОЙ” АЖ маъмурияти.

07.01.2021

Источник: <https://openinfo.uz/uz/announce/10307/>

Дата: 25.06.2026